

БАА Қуръон мусобақасида янги мусулмон бўлганлар ҳам қатнашмоқда



17:01 / 30.01.2019 2412

Дубайда бошланган Қуръон мусобақасида мамлакатнинг 23 та ҳудудидан келган янги мусулмонлар ҳам ўзаро рақобатлашмоқда, деб хабар беради “Al-watan newspaper” нашри.

Хабарда айтилишича, БАА да яшаб исломни яқинда қабул қилган мусулмонлар учун Қуръон мусобақасининг махсус учинчи босқичи ташкил этилган. Мусобақа Дар ал-Бар уюшмаси ҳузуридаги Исломий ахборот маркази ҳомийлигида ўтказилмоқда. Марказ раҳбари Рашид ал-Жунайнинг айтишича, мусобақа ҳифз ва суннатдан иборат икки қисм ҳамда олти та турли даражаларда ташкил этилган. “Бу йилги Қуръон мусобақасида 23 та бошқа ҳудудлардан келган жами 249 нафар янги мусулмонлар иштирок этмоқда”, – дейди марказ раҳбари.

